

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Наманган муҳандислик-педагогика институти
«Транспорт воситаларидан фойдаланиш» кафедраси**

**«Автомобиллар сервиси асослари»
фанидан амалий машгулотларини бажариш учун**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА



НАМАНГАН-2006

Ушбу кўрсатмалар 5521200, 5140900 «Транспорт воситаларидан фойдаланиш» таълим йўналиши давлат таълим стандарти ва ўқув режаси ҳамда ўқув дастурига асосан тайёрланди.

Кўрсатма бакалаврият кундузги ва сиртки бўлим талабалари учун «Автомобиллар сервиси асослари» фани бўйича амалий машгулотларни бажариш учун тавсия этилган. Мазкур кўрсатмалар талабаларнинг «Автомобиллар сервиси асослари» фани бўйича олган назарий билимларини амалий мустахкамлаш, кўриш ва тушуниш, ҳамда талабаларда адабиётлардан фойдаланиш кўникмасини яратиш имконияти ҳосил қилади.

Тузувчилар:

доц. Б.М.Исохожаев
асс. Ш. Имомкулов

Тақризчи:

доц. М.Хатамов

Ушбу кўрсатма «ТВФ» кафедрасининг «____» _____ 2006 йилдаги йигилишда (____ мажлис баёни) кўриб чиқилди ва мақулланди.

Услубий кўрсатма институт илмий методик кенгашининг 2006 й. «____» _____ сонли мажлисида муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия этилди.

Руйхат рақами №:

Мавзу: Наманган шаҳридаги автомарказларда ишлаб чиқаришни техник, технологик ташкил этилишининг умумий ҳолати билан танишиш, чизмасини тузиш ва қиёсий таҳлил қилиш.

- I. **Ишнинг мақсади:** Автомарказларда ишлаб чиқаришни техник, технологик ташкил этилишининг умумий ҳолати билан танишиш, чизмасини тузиш ва қиёсий таҳлил қилишни ўрганиш.

II. Ишнинг мазмуни:

1. Автомарказларда ишлаб чиқаришни техник, технологик ташкил этилишининг умумий ҳолати билан танишиш;
2. Автомарказларда ишлаб чиқаришни техник, технологик ташкил этилишининг умумий чизмасини чизиш;
3. Наманган шаҳридаги автомарказлар билан намунавий автомарказларни солиштириш орқали қиёсий таҳлил қилиш.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Г.М.Напольский. Технологической проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: «Транспорт», 1985 г, 230 стр
2. Г.Ф.Фастовцев. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: «Транспорт», 1989 г, 240 стр

III. Умумий маълумотлар

Автомобилларнинг техник шай ҳолатини таъминлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг хажми ва сифатига автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналар масъул бўлиб, улар: автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси, махсус автомарказлар ва устахоналардир.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси (ТХКС) асосан аҳоли кўлидаги енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ишлари амалга оширади. Замонавий ТХКС бу кўп тармоқли корхонадир. У автомобилларга кафолатли техник хизмат кўрсатиш ва кафолатли муддатдан кейин фойдаланиш даврида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш (ТХК) ва жорий таъмирлаш (ЖТ) агрегат ва узелларни ташхислаш, кузовни коррозияга қарши ишлов бериш, агрегатларни тўла таъмирлаш, автомобилларни техник кўрикка тайёрлаш, сотиш олди ва сотишга тайёрлаш, эҳтиёт қисмларни сотиш, йўлларда техник ёрдам кўрсатиш, фойдаланувчи материаллари билан таъминлаш, техник фойдаланиш даврида содир бўлган мавжуд саволларга маслаҳатлар беришдан иборат.

ТХКС лари тузилишига кўра шаҳар ва йўл четида жойлашган ТХКС ларга бўлинади. Бундан ташқари шаҳар ТХКС лари мажмуа, ав тозавод ва махсус ишларни бажариш бўйича махсуслаштирилган турлари мавжуд.

Шаҳар ТХКС лари - шаҳар ичида жойлашган бўлиб, асосан шаҳар аҳолиси автомобилларига доимий хизмат кўрсатади.

Йўл четига жойлашган ТХКСлари - барча русумдаги ва барча турдаги автомобилларга техник ёрдам кўрсатиш ишларини амалга оширади.

ТХК мажмуалари автомобилларга ТХК ва таъмирлаш ишларини амалга оширади. Улар универсал ва махсуслаштирилган бўлиши мумкин. Универсал ТХК мажмуаларда барча турдаги ва русумдаги автомобилларга ТХК ва ЖТ ва таъмирлаш ишлари амалга оширилса, махсуслаштирилган ТХК мажмуаларида бир русумдаги автомобиллар учун мўлжалланган ишларни бажаради.

Шаҳар ТХКСлари ишчи постлар сонига кўра уч турга бўлинади: кичик, ўрта, катта.

Кичик ТХКСда ишчи постлар сони 10 тагача бўлиб, куйидаги ишлар бажарилади: ювиш-тозалаш, тезкор ташхислаш, ТХК, мойлаш, шина ишлари, электрокарбюратор, аккумулятор батареясини зарядлаш, кузов, пайвандлаш, бўёкчилик, агрегатларни жорий таъмирлаш, эҳтиёт қисмларни сотиш ва фойдаланиш материаллар билан таъминлаш.


Ўрта ТХКСда ишчи постлар сони 11-35 тагача бўлиб, кичик ТХКСдаги ишларни йириклаштириб, тўлақонли бажарилади ва автомобилнинг тўлалигича ташхислаш, барча русумдаги автомобилларни бўяш, қопламачилик, агрегатларни алмаштириш, аккумулятор батареясини таъмирлаш, автомобилларни сотиш ишларини амалга оширади.

Катта ТХКСда ишчи постлар сони 35 тадан кўп бўлиб барча турдаги автомобилларга техник хизмат кўрсатилиб ўртача ТХКСдаги барча ишлар бажарилади.

Йўл четидаги ТХКСлари универсал бўлиб енгил автомобиллар, юк автомобиллар, автобуслар учун хизмат кўрсатади. Ишчи постлар сони 1-5 тагача бўлади.

ТХКСларида ишлаб чиқаришни ташкилий тузилиши автотранспорт корхоналаридан бир мунча фарқ қилади. ТХКСларда ишлаб чиқаришни технологик ташкил этишни бажариш схемаси 1-расмда келтирилган.

Схемада берилишича автомобил дастлаб кутиш жойига келади. ТХКС сига келган автомобилга ювиш-тозалаш ишлари бажарилади ҳамда ТХК, ЖТ ва таъмирлаш ишларнинг осон ва сифатли амалга оширилади. Шундан сўнг автомобил қабул қилиш пунктига келиб рўйхатга олинади. +абул қилишда автомобил русуми, ишлаб чиқарилган санаси, босиб ўтган масофаси ёзиб олинади. +абул қилинган автомобил ташхислаш постига келтирилиб ташхисланади. Автомобилдаги носозлик аниқ бўлса ТХК ва ЖТ минтақаларига тўғридан-тўғри ўтказилади. Ташхислаш постида автомобилнинг техник кўрсаткичлари текшириб аниқланади. Жумладан, двигателнинг таъминлаш тизими, кривошип-шатун механизми, газ тақсимлаш механизми, бошқариш тизимининг гилдиракларини бурилиш бурчаклари ва гилдиракнинг динамик мувозанати, электр тизими ва барча кўрсаткичлар бўйича ташхисланади. Ташхислашдан кейин автомобил техник ҳолати ҳақида ҳулоса чиқарилиб ТХК ва ЖТ минтақасига ўтказилади. ТХК ва ЖТ минтақасида энг катта хажмдаги ишлар бажарилади. Бунда кафолатли масофада ва кафолатли масофадан кейинги автомобилларга хизмат кўрсатилади. Мустақил Ҳамдўслик Мамлакатларида ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар учун 1-ТХК ишлари ҳар 4000 кмда, 2-ТХК ишлари 16000 кмда бажарилади. Замонавий автомобилларга 1-ТХК ишлари янги ишлаб чиқарилган автомобил эксплуатация қилиш бошлангандан сўнг 2000 кмда амалга оширилади.



1-расм. ТХКС ларда ишлаб чиқаришни технологик ташкил этишни бажариш схемаси.

1-ТХКда ростлаш(созлаш), мойлаш, электротехника ишлари, двигателни ташхислаш, рул бошқармаси, тормоз тизими ва механизмлар текшириб, ёнилги, мой, совутиш суюқлиги билан таъминлаш ишлари бажарилади. 2-ТХКда автомобил тўла ҳолатда ташхисланади, белгиланган ҳажмдаги маҳкамлаш, ростлаш, мойлаш, мой алмаштириш, агрегат, механизм, ускуна, асбобларни қандай ишлаётганлигини текшириб соз-ланади.

ТХКСларида ТХК ва ЖТ дан ташқари махсуслашган минтақаларда агрегатларни жорий таъмирлаш, шина ишлари, аккумулятор батареяларини таъмирлаш, зарядлаш ишлари, электротехника ишлари, электр ва электрон жихозларни таъмирлаш, созлаш-ростлаш ишлари, дизел двигателли автомобилларни юқори босимли ёнилги насосини, созлаш, таъмирлаш, салонда қопламачилик ишлари, кузов ишлари ва бўёқчилик ишлари амалга оширилади.

Автомобилга хизмат кўрсатилгандан сўнг техник назорат бўлимидан ўтказилади ва мижозга топширилади.

IV. Ҳисобот

1. Дастлабки маълумотлар.
2. Наманган шаҳридаги ТХКСларида ишлаб чиқариш техник-технологик схемасини чизиш.
3. Наманган шаҳридаги ТХКСлари билан намунавий ТХКСларини солиштириш орқали қиёсий таҳлил қилиш.

Назорат саволлари.

1. Автомобилларга хизмат кўрсатувчи станцияларнинг қандай турлари мавжуд?
2. Шаҳар ТХКС қандай фаолият олиб боради?
3. Йўл четига жойлашган ТХКС қандай фаолият олиб боради?
4. ТХКС да ишлаб чиқариш қандай ташкил этилади?

2-Амалий машгулот

Мавзу: Автомобилларга хизмат кўрсатиш учун қабул қилиш, хизмат кўрсатиш ва уларни буюртмачига топшириш жараёнларида қатнашиш ва кузатиш.

I. Ишнинг мақсади: ТХКСда автомобилларга хизмат кўрсатиш учун қабул қилиш, хизмат кўрсатиш ва уларни буюртмачига топшириш жараёнларини ўрганиш.

II. Ишнинг мазмуни

1. ТХКСда автомобилга хизмат кўрсатиш учун қабул қилишни ўрганиш.
2. ТХКСда автомобилларга хизмат кўрсатиш жараёнини ўрганиш.
3. ТХКСда автомобилга хизмат кўрсатишда хизмат кўрсатиб бўлгандан сўнг буюртмачига топшириш жараёнини ўрганиш.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Напольский. Технологической проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: «Транспорт», 1985 г, 230 стр
2. Фастовцев. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: «Транспорт», 1989 г, 240 стр

III. Умумий маълумотлар

Енгил автомобилларга ТХКСда ТХК учун қабул қилиш қоидалари «Енгил автомобилларни ТХКС ва марказига қабул қилиш асосий қоидалари» га асосан амалга оширилиб, автомобил эгасининг автомобилнинг ТХК ва таъмирлаш мақсади хисобга олинади.

Автомобилни қабул қилишда: агрегат узелларни назорат қилиш ва нуқсонларини аниқлаш; автомобилни тўла бутлигини кўздан кечириш; агрегат, узел ва тизимларни ҳаракат хавфсизлигини текшириш; автомобилни техник ҳолатини текшириб бузуқлигини аниқлаш; бажариладиган ишларни муддати ва суммасини автомобил эгасига таништириш; қабул қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини ҳабардор этишдан иборат.

+абул қилинган автомобил учун бажариладиган иш хажми ва нархи аниқланади. Автомобил эгаси буюртма асосида ТХКСга буюртма бериши мумкин. ТХК учун буюртма талонида автомобил эгасининг мақсади ва ТХКС да бажариладиган ишларнинг ҳаммаси расмийлаштирилади.

+абул қилувчи уста ишни якунлагач умумий иш хажмининг нархини белгилайди. Албатта буюртмачи ишнинг баҳосини билиши лозим. Шундан сўнг хайдовчи автомобилни ишчи постига ёки кутиш жойига олиб боради. +абул қилиш ўртача 20-30 дақиқада амалга оширилади.

Барча ишлар бажарилиб бўлгандан сўнг автомобилни топшириш минтақасига келтирилади, бажарилган ишнинг сифати текширилади, қабул қилинган автомобилнинг бутлиги текширилиб сўнгра эгасига топширилади ёки автомобилларни сақлаш жойига олиб борилади. Ишчи постлар сони 25 тагача бўлган станцияларда қабул қилиш ва топшириш жойлари ёнма-ён жойлашган, қабул қилиш ва топшириш бир постли бўлади.

Кўпгина ишчи постлар сони 50 тадан кўп бўлган ТХКСларида қабул қилиш минтақаси уч қатор оқимли тизимдан иборат.

Хозирда ТХКСларида ташхислаш минтақаси замонавий жихозлари билан жихозланган. Ташхислаш бу автомобил эгаси буюртмаси асосида ёки ТХК ва ЖТдан олдин, шунингдек хизмат кўрсатиш сифатини баҳолашда бажариладиган ишлар мажмуидир. Бунда автомобилни бошқариш гилдиракларини бурилиш бурчаклари, гилдиракларни динамик мувозанатини; двигателнинг таъминлаш тизimini, кривошип-шатун механизми, газ тақсимлаш механизми ва электр ҳамда электрон жихозларни текширилади. Шундан сўнг лозим бўлган ТХК ва ЖТ нинг иш хажми аниқланади.

Ташхислаш минтақага қабул қилишда ва топширишда бажарилган ишнинг сифатини баҳолашда Техник Назорат Бўлими (ТНБ)га ёрдам бериб боради. Диагностика постлар сони станциянинг қувватига қараб 1-4 тагача бўлиши мумкин. Ташхислаш минтақаси боши берк ёки мустақил постларда бажарилади. Ишчи постлар сони 50 тадан кўп бўлган станцияларда бошқариш гилдиракларни текшириш ва созлаш ишлари ТХК ва ЖТ минтақасида бажарилади. Кўпгина ТХКСларида ТХК ва ЖТ минтақаларида гилдиракни бурилиш бурчагини созлаш, гилдиракни мувозанатлаш ва ёритиш чироқларини текшириш ва созлаш ишлари бажарилади.

ТХК ва ЖТ минтақасида: ТХКдаги барча жараёнлар ихтиёрий ТХК ишлари(созлаш, мойлаш ва х.к); ТХК ва ЖТ нинг барча иш хажми; ихтиёрий ЖТ ишлари, ташхислаш билан бирга амалга оширилиши мумкин. Ювиш-тозалашдан кейин автомобил ташхислашланади. Ташхислашдан сўнг носозлик ва бузуқлик аниқланади, сўнггра автомобил ТХК ва ЖТга юборилади. ТХК ва ЖТ ишчи постлари кўтаргичли ва ямали постларда ташкил этилиб, буюртма бўйича ТХК ишилари бажарилади. Умумий иш хажмининг 40%и ЖТ ишларига, 50%и эса кузов ишларига тўғри келса, қолган 10%и махсуслашган устахоналарда бажарилади.

Кўпгина йирик шаҳарлардаги ТХКСларида махсус ТХК ва ЖТ хизмати жорий этилган бўлиб, бунда сайёҳлар учун тезкор хизмат кўрсатиш амалга оширилади.

Асосий ТХК ва ЖТ иш жойлари универсал ва махсуслашган боши берк постларда ташкил этилади. Махсус ТХК ва ЖТ минтақасидаги ишларни технологик ташкил этилиши енгил автотранспорт корхоналари каби ташкил этилади.

IV. Ҳисобот

1. Дастлабки маълумотлар.
2. ТХКС да автомобилга техник хизмат кўрсатиш учун қабул қилиш жараёни схемасини чизиш.
3. Автомобилларга хизмат кўрсатиш жараёни схемасини чизиш.
- 4.ТХКСда автомобилга хизмат кўрсатишда хизмат кўрсатиб бўлгандан сўнг буюртмачига топшириш жараёни схемасини чизиш.

Назорат саволлари.

1. ТХКС да автомобилларни хизмат кўрсатиш учун қабул қилиш -андай амалга оширилади?

2. ТХКС да автомобилларга техник хизмат кўрсатиш қандай амалга оширилади?
3. ТХКСда автомобилга хизмат кўрсатиб бўлгандан сўнг буюртмачига топшириш жараёни қандай амалга оширилади?

3-Амалий машгулот

Мавзу: Корхонани бошқаришнинг умумий чизмасини тузиш ва унинг ҳар бир бўлимларини вазифалари билан танишиш.

I. Ишнинг мақсади: ТХКС нинг бошқариш тизими билан танишиш, унинг умумий чизмасини тузиш ва ҳар бир бўлимларининг вазифалари билан танишиш.

II .Ишнинг мазмуни:

1. ТХКС нинг бошқариш тизими билан танишиш.
2. ТХКС нинг бошқариш тизимини умумий чизмасини чизиш.
3. ТХКС нинг ҳар бир бўлимлари вазифалари билан танишиш.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Напольский. Технологической проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: «Транспорт», 1985 г, 230 стр

2. Фастовцев. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: «Транспорт», 1989 г, 240 стр

III. Умумий маълумотлар

Енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи ТХКС лари шаҳар ва йўл четига жойлашган бўлиб, албатта бошқариш тизими бир-биридан фарқ қилади. Шаҳар ТХКС да автомобилларга ва мижозлар учун хизмат кўрсатиш жорий этилган. Яъни автомобилларга ТХК ва ЖТ ишлари билан бирга автомобил сотиб олиш истагида бўлган харидорларга ҳам хизмат кўрсатилади. Йўл четига жойлашган ТХКС лари эса тезкор техник ёрдам кўрсатиш ишларини бажариб, бунда автомобилларга ТХК ва ЖТ ишларини ва автомобилларни ёқилги мойлаш материаллари билан таъминлаш ишларини амалга оширади.

Шаҳар ТХКС да бошқариш тизимини барчасини сервис корхонаси раҳбари бошқаради. Раҳбарга бевосита бўлим бошлиқлари бўсиниб, улар ҳар бир бўлимни бошқаришни амалга ошириб, ишни боришини ташкил этиб борадилар. Бу бўлимлар автомобилларга кафолатли техник хизмат кўрсатиш, автомобилларни сотишга тайёрлаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва уларни сотиш ишларини бажариш ҳамда автомобилларни сотиш ишлари билан шугулланувчи бўлимлардан иборат. Ҳар бир бўлим ўз навбатида ҳар хил ишларни бажарувчи минтақаларни бирлаштиради.

Автомобилларни сотишга тайёрлаш бўлими қуйидагича фаолият кўрсатади, ишлаб чиқарувчи- завод томонидан белгиланган «Аҳолига енгил автомобил, мотоцикл ва коляскаларни сотиш қоидалар»и бўйича сотиш пайтида автомобил сифатини таъминлашни амалга оширади. Автомобилни сотишга тайёрлашнинг мақсади сотилаётган автомобилни техник шайлигини ва фойдаланишга тайёрлигини таъминлашдир.

Автомобилларни сотишга тайёрлашда кузовни вақтинча коррозияга қарши химоялаш, махсус суюқликлардан фойдаланиш ва махсус мойлар билан агрегатларни мойлаш, ҳаракат хавфсизлигига таъсир этувчи тизим ва агрегатларни созлигини таъминлаш, техник ҳужжатларни тайёрлаш ва агрегатларни маркировкалаш, автомобилни комплектлаш ишларини бажаради. Шунингдек автомобилни сотишга тайёрлашда ногирон фуқаролар учун ижтимоий таъминот бўлими томонидан буюртма асосида автомобил махсус жиҳозланади.

Автомобилларни сотишга тайёрлаш ишлаб чиқарган завод ҳисобидан амалга оширилади. Автомобилни сотишга тайёрлаш чоғида содир бўлган носозлик ва бузуқликларни ишлаб чиқарган заводга маълум қилинади, завод нафақат автомобилни йиғишдаги сифатга балки носозлик ва бузуқликларни кафолатлайди. Автомобилни сотишга тайёрлаш ишларининг ҳажми автомобил русумига қараб 3-4 одам соатни ташкил этади. Сотилаётган автомобилнинг сервис китобчасига белги қўйилади. Сервис китобчасига белги қўйилмаган бўлса сотилаётган автомобил қонуний ҳисобланмайди.

Кафолатли фойдаланиш даврида автомобилларга хизмат кўрсатиш «Енгил автомобилларга кафолатли хизмат кўрсатиш қонуни» асосида амалга оширилади. Бу қонунда автомобилнинг кафолатли фойдаланиш даврида ТХК ва таъмирлашни ташкил этиш тартиби кўрсатилган. Кафолатли ТХК ва таъмирлаш ишлари ташкил этилган. Бу даврдаги ТХК ишлари ТХКС га автомобил эгаси томонидан хизмат ҳақи олинади. Содир этилган носозлик ва бузуқликлар автомобилни ишлаб

чиқарган завод томонидан бартараф этилади. Ишлаб чиқариш заводи ҳисобидан алоҳида таҳхислаш ва ҳимоялаш ишлари бажариб борилади.

Автомобиллардаги нуқсонлар учун автозавод кафолат беради ва рекламаияланган ва рекламация қилинмаган нуқсонларга бўлинади.

Рекламацияланган нуқсонлар автомобил ишлаб чиқариш даврида созлашдаги ҳатолик, деталларни йиғишдаги ҳатоликлар ҳисобига содир этилади ва агрегат янғисига алмаштириб берилади.

Реламацияланмаган нуқсонларга автомобилда содир бўладиган майда носозлик ва бузуқликлар киради. Автомобил эгаси ишлаб чиқарувчи завод томонидан содир этилган нуқсонлар учун эътироз билдирса, янги автомобилга 0,2% арзонлаштирилиб алмаштириб берилади.

Рекламация ҳужжатларини расмийлаштириш якунида «Рекламацион далолатнома» тузилади, рекламацияланмаган нуқсонларни расмийлаштириш «Кафолатли хизмат кўрсатиш далолатнома»сида расмийлаштирилади. Кафолатли муддат ишлаб чиқарган завод томонидан белгиланади. Бу муддат МДХ да ишлаб чиқарилган автомобиллар учун уч ой ёки 5 минг км, «ЎзДЭУавто» Кушма корхонаси автомобиллар учун 3 йил ёки 50000 км деб белгиланган. Агарда ана шу эксплуатация даврида бирор бир агрегатда нуқсон пайдо бўлса, ишлаб чиқарувчи томонидан янғисига алмаштириб беради.

Кафолатли фойдаланиш давридан кейин автомобилларга хизмат кўрсатиш бўлими ТХК ва ЖТ ишларини «Аҳолига тегишли енгил автомобилларга ТХК ва таъмирлаш бўйича Низом»га мувофиқ амалга оширади.

Автомобилларни ишлатишдаги ишончилигини таъминлашда режалиогоҳлантирувчи тизим бўйича техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бундай тартиб қонданинг муҳим тармоқлари шундан иборатки, маълум белгиланган даврдан кейин ТХК бўйича доимий ишлар мажмуасининг албатта бажарилишини таъминлайди. Эҳтиёжга қараб автомобил агрегатини таъмирлаш белгиланган таъмирлараро масофани босиб ўтгандан сўнг техник кўрик ёки ТХК жараёнидаги таъминлашни кўзда тутди. Енгил автомобиллар учун ТХК: 1-ТХК, 2-ТХК, МТХ жорий этилган замонавий автомобиллар учун сервис хизмати жорий этилган бўлиб бунда ҳар 10000 км масофадан скнг хизмат кўрсатилади.

Бутун дунё бўйича енгил автомобил эгалари сервис хизмати учун сервис китобчасини тутдилар. Сервис китобчасида автомобил сотиб олингандан бошлаб хизмат муддати тугагунгача бажарилган хизмат турлари белгиланиб боради.

Бир йилда икки марта мавсумий хизмат кўрсатиш ишлари бажарилиб, бу ёзги ва қишки фойдаланиш мавсуми олдидан бажарилади.

Таъмирлаш ишлари жорий ва тўла таъмирлаш турларига бўлинади. Жорий таъмирда эҳтиёжга қараб нуқсон ва бузуқликларни бартараф этиш учун тўла таъмирлаш эса автомобил мустаҳил ҳолатда тўла таъмирлаш ишларини амалга оширилади.

Эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш бўлими.

ТХКС нинг ишлаб чиқариш жараёнини самарали олиб боришда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш асосий ўринни эгаллайди.

ТХКС нинг эҳтиёт қисмлар омборида енгил автомобилларнинг 8 мингга яқин турдаги эҳтиёт қисмлари сақланади.

ТХКС ларини эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни уч босқичда ташкил этилади.

Биринчи босқич—бу ишлаб чиқарувчи завод томонидан мавжуд автомобиллар учун барча турдаги эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш;

Иккинчи босқич—бу республика марказий таъминот омбори томонидан барча русумли автомобиллар учун эҳтиёт қисмларни таъминлаш;

Учинчи босқич—бу сервис корхонаси ўз ички имкониятини ҳисобга олиб, харидорни талабидан келиб чиқиб эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни амалга оширади.

Автомобилларни сотиш ишлари бу янги ишлаб чиқарилган автомобилларни реклама қилиш ва сотиш, хужжатларни расмийлаштириш ишларини амалга оширади.

Замонавий ТХКС ларида маркетинг бўлими фаолият олиб боради, маркетинг бўлими корхона бозорини шаклланишини ва автомобилларни сотишни тарғибот қилади.

IV.Хисобот

1. Ишнинг мақсади.
2. Дастлабки маълумотлар.
3. Шаҳар ТХКС нинг бошқариш бўлимлари билан танишиб, бошқариш схемасини чизиш.
4. Ҳар бир бўлим вазифаларини тўлиқ баён қилиш.

Назорат саволлари

1. Шаҳар ТХКС нинг қандай бўлимлари мавжуд?
2. Кафолатли фойдаланиш даврида хизмат кўрсатиш қандай амалга оширилади?
3. Кафолатли эксплуатация даврида кейин хизмат кўрсатиш қандай амалга оширилади?
4. Автомобилларни сотиш қандай амалга оширилади?

4-Амалий машгулот

Мавзу: Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техник технологик ва хизмат кўрсатиш хужжатлари билан танишиш.

I. Ишдан мақсад: ТХКС да ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техник, технологик ва хизмат кўрсатиш хужжатларини талабаларга таништириш.

II. Ишнинг мазмуни:

1. ТХКС да ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техник, технологик хужжатлар билан танишиш.
2. ТХКС да хизмат кўрсатишда қўлланиладиган хужжатлар билан танишиш.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Напольский. Технологической проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: «Транспорт», 1985 г, 230 стр
2. Фастовцев. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: «Транспорт», 1989 г, 240 стр

III. Умумий маълумотлар

ТХКСда автомобилларга хизмат кўрсатишда расмийлаштириладиган хужжатлар. «Фуқароларга тегишли енгил автомобилларга ТХК ва таъмирлаш бўйича Низом»га мувофиқ амалга оширилади ва бирламчи, маълумот қайдномалари каби хужжатлардан иборат.

Бирламчи хужжатлар хўжалик ишларида, жумладан автомобилларни қабул қилишда эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда ТХКС билан буюртмачи орасида тузилади. Маълумот хужжатлари асосан хисобот учун ишлатилиб, ишлаб чиқариш жараёнидаги бирламчи хужжатларни қайта ишлаб ТХКС бажарган ишлари тўғрисида хулосалар чиқариш бўйича якуний махсулотлар тайёрлаш учун ишлатилади.

Асосан ТХК ва таъмирлашга тайёрланадиган автомобил учун қабул қилувчи уста билан буюртмачи ўртасида тузилган хужжатлар уч нусхада тузилиб буюртмачи, қабул қилувчи уста китобини текширилади.

Автомобилларни ТХК ва таъмирлаш ишлари учун журнал бир нусхада бўлиб у қабул қилувчи устада сақланади. Ишлаб чиқариш минтақаси кузатувчиси томонидан юритиладиган журнал ишни бошланиши ва тугалланиш вақтини ва иш жараёнини сифатини белгиловчи карта ҳисобланади.

Автомобил ТХКС га келганидан бошлаб қуйидаги хужжатлар расмийлаштирилади. +абул қилиш далолатномаси, автомобилни таъмирлашни режалаш-графи, кузатув хисоботи, ТХК ва таъмирлаш сифати қайдномаси, ТХК ва Т сифатини назорат қилиш талони, нуқсонлар қайдномаси ва шу каби хужжатлардан иборат.

+абул қилиш учун далолатнома

«_____» _____ 200_ й

ТХКС _____

Буюртмачи _____ Транспорт воситаси _____

Таниқлик рақам	№ буюртма рақами	Русуми	Тури	Давлат рақами №	Дигител рақами №	Кузов рақами №	Техни к назорат бўлими	Босиб ўтган ма-софаси, км

Автомобилнинг бутланганлик харитаси

№	+исмлар	Сони	№	+исмлар	Сони
1.	Ойна тозалагич		19	Сигарет тутат-гич	
2.	Туманга қарши ёритиш чироги		20	+ўшимча гилам-лари	
3.	Антенна		21	Подголовники	
4.	Ички кўзгу		22	Чамбаракли коплама	
5.	Ташки кўзгу		23	Ўриндик копламаси	
6.	Жиклёрни кўриш ойнаси		24	Бензобак қопкоғи	
7.	Бурилишни кўрсатувчи		25	Домкрат	
8.	Ёндириш чироқлари		26	Инструментлар сумкаси	
9.	Бамперлар		27	/илдирак калпа-ги	
10.	Молдитлар		28	Ойна иситгич	
11.	Завод белгиси		29	Декоративнўе покладки ко-лёс	
12.	Радиоприёмник		30	Ўт олдириш ка-лители	
13.	Магнитофон		31	+ўшимча гилди-рак	
14.	Соат		32	Эшикни очқич	
15.	Кулдонлар		33	Педал қопламалари	
16.	Радиатор ва мой идишлари қопкоғи		34		

17.	Бензин, л		35		
18.	Шиналар		36		

Тасдиқлайман

Директор _____

(имзо)

ТХКС

« _____ » _____ 200 ____ й

№	N бюрорта река ми	Автомобилнинг давлат рақами, русуми тўри	Ишдаб чиқаришни бошланиш вақти	Хизмат ҳажми, иш	қисмларга аж- ратиш иш/и				Риктовкалаш ишлари				Бўёқчилик ишлари				Йириш ишлари				Автомо- били топиш- риш					
					Хажми, иш				Хажми, иш				Хажми, иш				Хажми, иш									
					сана		ту- гати		сана		ту- гати		сана		ту- гати		сана		ту- гати				сана		ту- гати	
					бошла- ниш	река	Амалда река	Амалда	бошла- ниш	река	Амалда река	Амалда	бошла- ниш	река	Амалда река	Амалда	бошла- ниш	река	Амалда река	Амалда			бошла- ниш	река	Амалда река	Амалда
					река	река	река	река	река	река	река	река	река	река	река	река	река	река	река	река	река					
					Амалда	река	Амалда	река	Амалда	река	Амалда	река	Амалда	река	Амалда	река	Амалда	река	Амалда	река	Амалда					



Бўёқчилик ва кузов ишлари бош устаси _____

Мижозлар билан ишлаш бўлими бошлиги _____

□

Тезкор диспетчерлик хисоботи

Тасдиқлайман
 ТХКС _____
 « _____ » _____ 200__ й

Қисмларга бўлиш ва иш турини	Бажарилган хизмат хажми, иш		Буюртма миқдори						Ишлаб чиқаришни охирига етказмаслик иш	Режани бажармагани учун низоҳлар	Ишни талаб қилиши	
	режа	амалда	Ой бошини	Смена бошланганда келган	Смена давоми		Смена тугатилганда қолган				Миндор	Хизмат
					режа	амалда	қабул қилиш	бажариш	умумий	кечки киши		

Бўлимлардаги бузилишларга изоҳ

Ишлаб чиқариш бўлими	Бюрогма рақами	Автомо - билни дав - лат рақами, русуми, тури	Хизмат кўрсатиш ҳажми, иши	Режа бўйича автогпогму	Ишлаб-чиқариш минтақаси						Мижоз билан ишлаш				МТС		Техник на- зорат бў- лими	
					Ишлаб чиқаришни бажарилмаган қисми	Сифатсиз бажарилган иш	Постдан-постга автомобил вақтида етиб келмаслиги	Меҳнат иртизодини бўзилаши	қўшимча ишларни запуришти		Хужжатларни но- тўғри расмийлаш- ганилиги	Минтақадан-минта- қога автомобил вақтида ўтказмаслиги	Мижозни ўз вақ- тида чақирмаслик	Бюрогма бажари- лиш муаффиқли нотўғри қўйилаши	Эхтиёт қисмларни агаромади	Бюрогмани ўз вақтида бўлмаслик	Техник жижоз- ларни носозлиги	Техник жижозларни етинмаслиги

Диспетчер

**ТХК ва таъмирлаш ишлари сифатини назорат қилувчи
Т а л о н №**

Минтақа (бригада)	Ишга қабул қилишни кўрсатиш		Автомобил ишини камчилиги учун қайтарилган авт.	Автомобилни қайтарилганли к сабаби	Иш хаж- мини нархи, сўм	Нуқсон коди		
						тури	Аҳамияти	сабаби

Хисобот

1. Ишнинг мақсади.
2. Дастлабки маълумотлар.
3. ТХКС да ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техник, технологик хужжатларни расмийлаштириш.
4. ТХКС да ишлаб чиқаришда хизмат кўрсатишда қўлланиладиган хужжатлар расмийлаштириш.

Назорат саволлари.

1. ТХКС да қандай хужжатлардан фойдаланилади?
2. +абул қилиш далолатномаси қандай расмийлаштирилади?
3. Автомобилни тиклаш режа-графи қандай тузилади?